

Бадиий идрокни шакллантиришда шакл, метод ва услублар

Маълумки, бадиий идрок шакллари аудиториядан ташқари, маъруза, суҳбат, ҳисобот, амалий машғулоти, семинар, умумлаштириш ва ахборотлар ташкил қилади.

Бадиий идрок методларига мақсадни белгилаш, мақсадга йўналиш, мотивация, мотивировка, ишонтириш; тушунтириш, уқтириш, ҳикоя, баён қилиш намоиш этиш, кўрсатиш, намуна, мисол; эслатма, кўрсатма, маслаҳат, талаб, тавсия, алгоритм; схема, модел, тизим; муаммо, излаш, тадқиқот; такрорлаш, мустаҳкамлаш, машқ, ўргатиш; топшириқ, илтимос, вазифа; кўриб чиқиш, муҳокама, рағбатлантириш, тақдирлаш; сўровнома, тест синовлари; назорат, таҳлил, баҳолаш, синтез, анализ, умумлаштириш, хулосалар кирпади.

Услубларга эса солиштириш, таққослаш, сабаб-оқибатли боғлиқликларини аниқлаш, мантикий-таҳлилий идрок этиш; сўзлаб бериш, кўргазмали, тушунтириш-намоиш этиш, репродуктив (йўриқномалар ва алгоритмлар асосида тасвирий санъат асарларини идрок этиш бўйича машқлар), муаммоли (мазмунини аниқлаш ва исботлаш мулоҳазалари асосида) ҳамда бадиий- таҳлилий жараёнда хусусий-изланишларни келтириш мумкин.

Талабаларнинг тасвирий санъат асарларини таҳлил этиш жараёнида бадиий идрок этишини ривожлантириш мақсадида, уларга мавзуси, мақсади, турлари ва шакллари бўйича ҳар хил - назарий-педагогик ва амалий-методик; тасвирий санъат назарияси ва амалиёти бўйича, бадиий-таҳлилий; қизиқиши ва қобилияти бўйича топшириқлар бериш тавсия этилади.

Топшириқлар турлича бўлиб, улар: “Нима учун?”, “Буни қандай бажарилади?” деган саволларга жавоб бериш; “Мазмунини очиб бериш”, “Бадиий умумлаштиришни кўриб чиқишни” талаб қилади. Топшириқларни бажаришда бадиий тафаккур зарур. Бунда:

-муаммоли - назарий, изланиш ва ижодий хусусиятдаги топшириқларда асарнинг алоҳида компонентлари ва элементлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш, умумлаштириш, аниқлаштиришни билиш талаб этилади.

-Топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

-бадий тафаккур таркибига кирувчи қатор компонентларга;

-билимларини қўллашни билишга;

-бадий кўриш қобилиятига;

-асарнинг ғоявий-мазмунли ва композицион тузилишида сабаб-оқибатли боғлиқликларни аниқлашни билишга.

Ҳар бир услубни шакллантириш йўли қуйидагилардан иборат бўлади:

-унинг аҳамиятини тушунтириш;

-услубга кирувчи ҳаракатлар таркиби, уларни қўллаш тартибини очиқ бериш;

ўрганилаётган объектларда услубларни мустаҳкамлангандан кейин талабалар услубни янги объектга кўчириш бўйича топшириқларни бажарадилар, янги вазиятда, мустақил равишда бадий идрок этиш услубини қўллайдилар.

Кўчиришда учта усулга мурожаат этилди:

1. Ўша материалнинг ўзида услубдан фойдаланиш.

2. Услубни ўхшаш ҳолатга кўчириш.

3. Янги объектда, янги шароитда услубни қўллаш.

Услубларни ўзлаштиришга индуктив (а) ва дедуктив (б) йўллар билан борилади:

а) кузатишдан нутқли тасвирлаш ва ифодалаш, баҳолашга; асар компонентларининг бир-бирига бўйсунилишини мавҳум ифода этишга;

б) умумий тушунчалардан аниқлаштиришга.

Талабалар аниқдан мавҳумлаштиришга ва мавҳумдан аниққа ўтишни машқ қиладилар.

Рассомлар (ўзбек рассомлари) асарларини солиштириш-таққослаш таҳлилида қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади: рассомлар асарларининг фарқи ва ўхшашликларини аниқлаш (бунда талабалар “асарларнинг” берилган белгиларини солиштирадilar, уларни таққослайдилар, шу аснода, уларнинг фарқлари ҳамда умумийликларини аниқлайдилар).

Умумлаштирилган бадий образларни шакллантириш, уларни солиштириш ва таққослаш ҳамда асарларнинг эмоционал-эстетик, бадий ва маънавий имкониятларини аниқлаш қиёсий-таққослаш таҳлилида муҳим қирра ҳисобланади. Айнан шундай йўналишда асарларнинг фарқли ва умумий белгилари янада аниқроқ белгиланади, тафаккур фаолиятининг энг мураккаб шакли – умумлаштириш фаоллаштирилади. Талабаларнинг илгари эгаллаган билимлари, анализ-синтез-умумлаштиришнинг ишлаб чиқилган кўникмалари ёрдамида кучайтирилади.

Солиштириш, таққослаш таҳлили рассомлар асарларининг образли тилини янада аниқ тушунишга, мазмун ва шакл бирлигида уларни баҳолашга, яхлит образни тасаввур қилишга, конструктив томонларини ўрганиш, бадий тафаккур мантиқини шакллантиришга имкон яратади.

Идрок этиш – қиёсий таққослаш, таҳлил қилиш учун мавҳум асарларни танлаб олишга талаблар: ушбу асар билан танишаётганларнинг ёшига мослиги; юксак эмоционал-эстетик имкониятлари; мазмунининг тушунарлилиги ва асарнинг қизиқарлилиги; мазмуни чуқурлиги ва тафаккурга чорлаши; эмоционал таъсирнинг ўхшашлиги; ўзига хос хусусиятлари ва ажралиб турувчи томонларининг, шакл ва мазмуннинг аниқ намоён бўлиши; асарларда муаллифлар томонидан қўйилган мақсадлар ва вазифаларнинг мослиги; услуб ва йўналиш монандлиги ғоявий–бадий бойлиги; тасвирий воситаларнинг ва ўхшаш, умумлаштирилган образнинг шакллантирувчи образли тузилиши аҳамияти ва ифодалилигининг ўхшашлиги; ягона ғоявий-эмоционал ва маънавий-эстетик таассурот ҳосил қилиши; бир-бирининг ғоявий -бадий мазмунини тўлдириши.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларга мана шу мураккаб бадиий идрок этиш жараёнида, асарларнинг ўзига хос бўлган фарқини, умумийликни, ўхшашликни аниқлаб, солиштириб, таққослаб идрок этиш–таҳлил қилиш, шунингдек, рассомларнинг образли тафаккурини қиёслаш каби талаблар қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Жабборова О,
ТВДПИ.